

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган  
вилоят Кенгашининг IX Конференция**

**Қ А Р О Р И**

2025 йил 10 июль

№ IX- 2

Наманган ш.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят  
Кенгаши тафтиш комиссиясининг 2020 йил августдан 2025 йил июль  
ойигача бўлган даврдаги фаолияти тўғрисида.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши тафтиш комиссиясининг 2020-2025 йиллар даврдаги фаолияти тўғрисида ҳисоботини эшитиб ҳамда муҳокама этиб, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши IX конференцияси қарор қилади:

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши тафтиш комиссиясининг 2020 йил августдан 2025 йил июль ойигача бўлган даврдаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши тафтиш комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

3.1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши ва унга аъзо ташкилотлар молиявий-хўжалик фаолиятларининг барча босқичларида молиявий интизомга риоя этилишини, Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, Ҳукумат Қарорлари, Республика Президенти Фармойишларига, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Уставига, Қурултой қарорларига, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Бош Кенгаши Мажлиси қарорлари, Ижроия қўмитасининг қарорларига, тартиб ва йўриқномаларига риоя этилишини назорат қилиб бориш, режали тафтишдан ўтказиб бориш ҳамда назорат қилиш;

3.2. Касаба уюшма ташкилотлари томонидан аъзолик бадалларини ва ижтимоий суғурта маблағларини тушуми бўйича режасининг бажарилишини ва улардан мақсадли фойдаланилишини, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши ҳамда унга аъзо касаба уюшма ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятини, ходимлар билан ишлаш юзасидан қабул қилинган меъёрий

хужжатларга, йўриқномаларга ва фармойишларга амал қилинишини текшириб бориш ва назорат қилиш;

**3.3.** Касаба уюшмаларига тегишли мулкдан, моддий бойликлардан самарали фойдаланиш, моддий бойликларни сотиб олиш ва сотиш ҳамда ҳисобдан чиқариш масалаларини текшириш ва тафтиш қилиш;

**3.4.** Касаба уюшмаси бюджети маблағларини харажатлар сметасида кўзда тутилмаган тадбирлар учун сарфланган харажатларнинг асосланганлигини текшириш;

**3.5.** Касаба уюшма органларининг фаолияти ва бошқа масалалар юзасидан тушган шикоятлар, маълумотларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши аппарати ёки касаба уюшма ташкилотларининг мутахассислари ҳамда тафтиш комиссиялари аъзоларини жалб қилган ҳолда кўриб чиқишни ташкил этиш, тегишли таъсир чоралари кўриш;

**3.6.** Текшириш натижалари бўйича маълумотларни лозим топилган ҳолларда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши раисига, Кенгаш ва Кенгаш Ижроия қўмитасига ҳамда аъзо ташкилотларнинг сайланма органлари ҳамда ташкилот раҳбарларига тегишли чора-тадбирлар кўриш учун киритиш;

**3.7.** Текшириш жараёнида аниқланган молиявий интизомнинг бузилишига йўл қўйилиши, юқори органларнинг қарорларини бажармаслик, амалдаги қонун талаблари, тартиб ва қоидаларга амал қилмаслик, молиявий-хўжалик фаолиятида интизом бузилишлари ҳолатлари юзасидан қабул қилинган комиссия қарорларини юқори касаба уюшма ташкилотларига назорат учун киритиш;

**3.8.** Касаба уюшмаларининг иқтисодий фаолиятини, харажатлар сметасини, иш режаларининг бажарилишини ҳамда юқори органлар томонидан берилган топшириқларни бажарилишини текшириш ва назорат қилиш;

**3.9.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгашига аъзо ташкилотларнинг тафтиш комиссиялари фаолиятини, улар томонидан ўтказилган текшириш, тафтиш натижалари ва кўрилган чоралар асосида таҳлил қилиш ҳамда тафтиш, текширув ва бошқа тадбирларни ўтказишда амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатиш;

**3.10.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилоят Кенгаши ҳамда унга аъзо касаба уюшма ташкилотларнинг тафтиш комиссиялари аъзолари малакасини ошириш мақсадида ўқишларни ташкил этиш.

**Раислик қилувчи**



**А.Мамадалиев**